



## СУГУРТА ФАОЛИЯТИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН НАЗОРАТ ҚИЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАР ВА БУ БОРАДАГИ ЧЕТ ЭЛ ТАЖРИБАЛАРИННИ ҚЎЛЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Қўлдошев Қамариддин Мансурович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети "Солиқлар ва сугурта иши" кафедраси профессори,  
и.ф.д.(DSc) [kuldashhevKM@gmail.com](mailto:kuldashhevKM@gmail.com)

### ARTICLE INFORMATION

Volume: 1

Issue: 2

DOI:[https://doi.org/10.55439/INSURE/vol1\\_iss2/a4](https://doi.org/10.55439/INSURE/vol1_iss2/a4)

### ABSTRACT

Ушбу маколанинг мақсади Ўзбекистон сугурта бозорининг ривожланини хусусиятлари ва давлат томонидан назорат қилиш ва тартибиа солиш услублари, мазкур масаладаги мавжуд муаммолар ва ушбу муаммоларнинг сугурталанувчиларда сугурта ташкилотларига бўлган ишончнинг таъминланиши билан боғликлиги масаалаларини таҳлил қилиш ва шу асосда хулосалар шакллантирган ҳолда таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқицдан иборат. Мазкур масалаларни ўрганишда сугурта соҳасидаги илгор мамлакат сифатида АҚШ тажрибаси ўрганилган.

### KEYWORDS

Сугурта, ўзаро сугурта, сугурта назорати, сугурта фаолиятини тартибиа солиш, чет мамлакатлар тажрибаси, тартибиа солии методлари, сугурта қонунчилиги, меъёрий хужжатлар.

### Кириш

Сугурта компаниялари турли мулк шаклига асосланган, алоҳида юридик шахс макомидаги тизкорат ташкилотлари сифатида ёки нотижорат шакли бўлган ўзаро сугурталаш жамиятлари сифатида ташкил этилади ва шу билан бирга ушбу соҳа иқтисодиётнинг бошқа соҳаларидан тубдан фарқ қиласди. Ушбу соҳанинг ўзига хослиги шундаки, тизкорат сугурта компанияси кўп сондаги сугурталанувчиларга ваъданни сотади ва бунинг учун олдиндан ҳақ олади. Ушбу ваъда бўйича жавобгарлик даври камиди бир йил ёки бир неча йилларни (хаёт сугуртасида) ўз ичига олиши мумкин. Бу давр ичига турли сабаблар билан сугурта компаниясининг молиявий баркарорлиги ва тўловга қобиллиги йўқолиши, натижада у сугурталанувчи олдиди берган ваъдасини бажара олмай қолиши мумкин.

Юқоридаги эктимонликларни хисобга олган ҳолда, давлат ўз фуқаролари ва иқтисодиёт субъектларининг сугурта компаниялари олдиаги химоясини таъминлаш мақсадида сугурта ташкилотлари устидан мумкин қадар тўлиқроқ назоратни ўрнатишга ҳаракат қиласди. Шу мақсадда назоратнинг турли усусларни кўллади. Ушбу усусларнинг кай даражада самарали эканлигини аниқлаша ва шу билан бирга янги назорат усусларини ишлаб чиқиш узок йиллар давомида тўплланган тажрибалар, чет мамлакатларнинг илгор тажрибаларни ўзлаштириш хамда илмий тадқиқотлар олиб бориши асосида алмалга оширилади.

### Мавзуя оид адабиётлар таҳлили

Сугурта соҳасини давлат томонидан назорат қилиш ва тартибиа солишининг зарурлиги, ушбу назоратни алмалга ошириши усуслари ва самарадорлигини таъминлаш масалаларини дунёнинг кўплаб олимлари ва амалиётчилари томонидан ишлар олиб борилган ва шу асосда илмий хулосалар шакллантирилган. Ю.А.Колесниковнинг таъкидлашича, сугурта фаолияти устидан давлат назорати давлатнинг маъмурий назорат турларидан бирни бўлиб, ушбу назорат бир қатор тартиб-коидаларни ўз ичига олади ва ушбу назорат давлатнинг ваколатли органи томонидан алмалга оширилади[1]. О.В.Кононенконинг фикрига кўра, сугурта иши субъектлари фаолиятининг хавфсизлиги ва қонунчилик бузилишининг олдини

олиш мақсадида давлатнинг ижроия органлари томонидан ушбу субъектлар фаолияти назоратга олинади[2]. Маъмурий хукук фани намоёндалари шундай хисоблайди: назорат бу "фаолиятнинг қонунчилиги ва мақсадга мувофиқлиги устидан кузатувни амалга ошириш, уни хукукий, илмий, ижтимоий-сиёсий, техник-ташкилий жихатдан баҳолаш"dir; назорат "чегаралантан, торайтирилган бошқарув кабидир". Уларнинг фикрига кўра, маъмурий назоратнинг ўзига хос хусусиятлари, биринчидан, назорат субъектлари ва обьектлари ўртасидаги ташкилий бўйинишининг мавжуд эмаслиги, иккинчидан, назорат субъектларининг ўз назорат ости субъектлари оператив фаолиятига аралашувиning имконсизлиги, уччинчидан назорат субъектлари томонидан маъмурий мажбурлаш чораларини кўллаш имкониятнинг мавжудлигидир[3]. Robert W.Klein ўз тадқикотида рискларни бошқарши бўйича карорлар кабул қилиш ва истемолчиларнинг сугурта маҳсулотларига бўлган эхтиёжларини кондириш учун сугурта тармоғининг аста-секин ривожланиши давомида тартибиа солувчи органлар ўзларининг назорат қилиш услублари, дастаклари ва сиёсатини такомиллаштириб борганигитини кайд этган. Унинг нуктаи-назарига кўра, сугурта фаолиятини тартибиа солиш бўйича ислоҳотлар узлуксиз жараён хисобланади ва бунга кўплаб омиллар, хусусан, жаҳон молиявий-иктисодий инкоризларни жиддий таъсир кўрсатади[4].

К.Қўлдошевнинг таъкидлашича сугурта мураккаб хизмат тури бўлиб, бунда ушбу хизматни кўрсатувчи профессионаллар билан бу хизмат тўғрисида тўлиқ тушучага эга бўлмаган потенциал сугурталанувчи ўзаро учрашиди. Бундай ҳолатда сугурта ташкилотлари тажрибасидан ўз манфаати ёки сугурта компанияси манфаати ўйлида фойдаланиши мумкин. Бу каби ҳолатлардан давлат ўз фуқароларни қонунлар, карорлар, меъёрий хужжатлар кабул қилиш оркали хамда давлат номидан иш кўрувчи ваколатли ташкилот оркали химоя қиласди[5]. И.Абдурахмонов ўз тадқикотида сугурталашни давлат томонидан тартибиа солиши воситаларидан фойдаланиш умуман иқтисодиётнинг, хусусан, молия секторининг стратегик ривожланиши мақсадларига мувофиқ бўлиши керак деган хулосага келган[6].

### Тадқиқот методологияси

Тадқиқотни амалга оширишда қўйилган мақсадларни амалга оширишда мантикий ва таркбий таҳжил қилиш, гурухлаштириш, ўзаро ва киёсий тақослаш усулларидан самарали фойдаланилди.

### Таҳжил ва натижалар

Ҳар кандай мамлакат жамияти аъзоларининг сугурта хизматларига бўлган талабининг ўсиб боришида давлатнинг роли бениҳоя катта бўлиб, давлат сугуртани ривожлантиришда асосий ташаббускор сифатида фаолият олиб боради, шу мақсадда карорлар кабул қиласи ҳамда сугурталовчи ва сугурталанувчиларга солиқ ва бошка имтиёзлар тақдим этиш билан уларни раббатлантириш орқали соҳанинг ривожланишини таъминлайди. Шу билан бирга, ўз ўрнида сугурталанувчиларнинг манфаатларини химоя қиласи. Давлатнинг бундай тадбирларни амалга ошириш орқали сугуртани ривожлантиришдан манфаатдорлиги, сугуртанинг ижтимоий химоя воситаси эканлиги бўлиб, давлат ўз фуқароларининг ижтимоий химоясини таъминлашдек бирламчи вазифасини сугурта воситасида амалга оширишга ҳаракат қиласи. Шу билан бирга, сугуртанинг яна бир муҳим хусусияти – иқтисодиётни узок муддатли инвестиция маблаглари билан таъминловчи манба сифатида амал килиши давлатнинг ушбу соҳани ривожлантиришга бўлган эътиборини янада ортиди.

Сугурта соҳаси юқори даражада ривожланган мамлакатлар сугурта бозорларини ўрганганимизда маълум бўлди, ушбу мамлакатларнинг барчасида сугурта бозорлари давлат томонидан ушбу соҳани назорат қилиш ва тартибга солиш ваколати берилган давлат ташкилотлари томонидан тартибга солиб борилади. Ушбу мамлакатлarda сугурта фаолиятини тартибга солиши ва назорат қилиш тизими давлатларнинг тузилиши, иқтисодий сиёсати ва бошка омилиларидан келиб чиқиб, бир-биридан фарқ қиласи. Масалан АҚШда азалдан сугурта фаолиятини тартибга солиши федерал даражада эмас, балки штатлар даражасида амалга оширилган. Ушбу хусусиятнинг конуний тус олиши 1945 йилда АҚШ Конгресси томонидан сугурта бизнесини штатлар хукumatлari томонидан тартибга солиниши ижтимоий манфаатларга мос келишини назарда тутувчи Маккарран-Фергюсон Конунини (McCaran-Ferguson Act) кабул килиниши билан юз берган. Ҳар бир штатда сугурта комиссариатлари ташкил этилган бўлиб, уларга сугурта комиссарлари раҳбарлик қиласи. Аммо шу билан бирга, сугурта фаолияти федерал антимонопол конунчилик талабларига бўйсунади. АҚШда федерал даражада сугурта конунчилиги мавжуд эмас. Шундай бўлсада, сугуртанинг баъзи йўналишлари бўйича, масалан, ядро рисклари сугуртаси, сув босишига карши давлат дастурлари, жиноятлар билан боғлиқ рисклар сугуртаси, бошоқли дон экинлари сугуртаси каби сугурта турлари федерал даражада бошқарилди.

Ягона конунчилик базасининг мавжуд эмаслиги АҚШда сугуртанинг бир текис ривожланишига тўскинилк килган пайтлар бўлди. Шу туфайли 1871 йилда федерал даражада ваколатга эга бўлган сугурталовчилар миллӣ асоцiasiasi (National Association of Insurance Commissioners - NAIC) ташкил этилган бўлиб, унда штатларнинг вакиллари фаолият юритади. Асоцiasiasi назоратчи эмас, балки факат мувоффиклаштирувчи функцияга эга. Бундай асоцiasiating ташкил этилишига штатларда турлича тартибларнинг киритилганлиги ва бу сугурталовчи ва сугурталанувчиларга кўп холларда кийинчилик ва тушунмовчиликларни келтириб чиқариши сабаб бўлган. Ушбу ташкилот томонидан сугурта компаниялари учун ягона хисобот шаклининг ишлаб чиқилганлиги муҳим аҳамият каб этган.

Асоцiasiasi фаолияти давлат сугуртаси билан боғлиқ конунчиликларни ўзаро уйғунлаштиришдан иборат. Ҳозирги кунда АҚШ сугурта комиссарларининг миллӣ асоцiasiasi штатларнинг сугурта комиссариатларига сугурталовчиларнинг тўлов кобилият, молиявий хисоботи, таваккалчиликка асосланган капиталнинг етарлилиги, бухгалтерия хисоби, кайта сугурта, инвестиция ва халқаро сугурта соҳаларида техник экспертиза хизматини кўрсатмоқда. Штатлар томонидан ишлаб чиқилган конунчилик хужжатлари умумконунчилик принципларига мос эканлиги NAIC томонидан тасдиқланса улар кучга киради. Бундай конунчилик хужжатлари асосида фаолият юритган штат сугурта бозорида фаолият кўрсатмоқчи бўлган чет эл сугурта компаниялари учун алоҳида талаблар белгиланмайди.

2010 йилда АҚШ Конгресси Уолл-стрит ва истеъмолчиларни химоя қилиш тизимини ислоҳ қилиш тўғрисида Dodd-Frank Қонунини (Dodd-Frank Wall Street Reform and Consumer Protection Act) кабул қилди. Ушбу конунга асосан АҚШ газначилик департаменти (U.S. Department of the Treasury's) таркибида сугурта секторининг барча йўналишларини мониторинг қилиш, сугурта фаолиятининг пруденциал жиҳатлари бўйича халқаро

ташкилотларда, жумладан Суѓурта назоратчиларининг халқаро ассоциациясида АҚШ номидан иштирок этиш каби вазифалар юқлатилган Федерал сугурта оғиси (Federal Insurance Office) ташкил этилган.

АҚШнинг бальзи штатларида сугурта тарифлари маҳаллий органлар томонидан тартибга солиб борилади. Масалан, Алабама штатида ҳаёт ва соғлик сугуртасидан бошка сугурта турлари бўйича сугурта тарифлари назорат остида ушлаб турилади. Иллинойс штатида ишчилар учун компенсациялар сугуртаси, тадбиркорлар жавобгарлиги сугуртаси ва тиббий сугурта тарифлари назоратга олинган. Канзасда баҳтисиз ходисалардан ва касалликлардан сугурталаш тарифлари тартибга солинади.

АҚШнинг шимолий кисмida жойлашган штатлар сугурта бозорлари халқаро сугурта бозорида етакчи хисобланади. Ушбу штатлар хиссасига АҚШ халқаро сугурта хизматларининг 90-95 фоизи тўғри келади. АҚШ сугурта бозорида 2,5 млн.дан ортиқ ҳодим фаолият кўрсатади. 1999 йилда Gramm-Leach-Bliley Актининг кабул килиниши сугурта компанияларининг банкларга инвестицион маҳсулотларини сотиш имкониятини берди. Шу билан бирга банклар сугурта маҳсулотларини сотиш хукуқига эга бўлди ва банклар ва сугурта компанияларининг ўзаро қўшилиш холатлари кўпайди ва натижада йирик конгломератлар пайдо бўлди. Улар халқаро бозорларни егаллай бошлади.

2005-2014 йиллар давомида АҚШ сугурта компаниялари ўз инвестиция маблагларининг катта қисмини чет мамлакатларга йўналтиди. Улар бунда иккى усулни кўллади: дунёнинг ривожланган ва ривожланётган мамлакатларидаги янги сугурта филиалларини ташкил этиш; чет мамлакатлардаги сугурта компанияларини кўшиб олиш орқали филиаллар ташкил этиш. Ушбу йиллар давомида шу мақсадда чет мамлакатларга йўналтирилган маблаглар хажми 65 млрд. доллардан ортиқни ташкил этиди.

Ривожланган йирик мамлакатлар – Англия, Франция, Германия, Ирландия, Швейцария, Канада ва Япония – иқтисодий ривожланниш ва ҳамкорлик ташкилоти аъзолари АҚШ инвестицияларининг асосий кабул килувчилари бўлиб, бунга сабаб факат тарихий алокаларгина эмас, балки улардаги қулав инвестицион мухит, меҳнат бозоридаги қулавликлар ва юқори яшаш даражаси эди. Бундан ташкиари ушбу мамлакатлардаги ривожланган инфратузилма ва кенг маркетинг тизими, тадбиркорлик учун шартшароитлар ҳамда инновацион фаолликнинг мавжудлиги эди.

Мазкур мамлакатларда ташкил этилган сугурта компанияларининг 42,8 фоизи ҳаёт сугуртасидан бошка сугурта хизматларини кўрсатишга ихтинослашган, 39,9 фоизи ҳаёт сугуртасига ихтинослашган сугурта компанияларидир. Халқаро сугурта бозорида фаолият кўрсатётган йирик АҚШ сугурта компаниялари сифатида State Farm Mutual Automobile Insurance Company бўлиб, ушбу компания АҚШда ва дунё сугурта бозоридаги энг йирик сугурта компаниясидир. Signa – йирик диверсификацилашган сугурта корпорацияси бўлиб, асосан соғлик сугуртасига ихтинослашган. American International Group – савдо ва саноат рискларини сугурталовчи йирик холдинг компанияси бўлиб, 80 дан ортиқ мамлакатда ўз филиалларига эга.

АҚШ халқаро бозорда фаолият кўрсатувчи сугурта воситачилири фаолиятини кенгайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратади. Улар АҚШ сугурта хизматларини мижозларга етказиш билан бирга, уларга маслаҳат бериш, сугурта шартномасини тузиш, унинг амал килиши ва тутатилишини таъминлашни амалга оширади. Улар сугурта агенчлиги, сугурта брокерлари ва кайта сугурта брокерларидир. Булар сифатида ҳаёт сугуртаси бўйича Prudential сугурта жамияти ва Marsh McLennan брокерлик ташкилотини келтириш мумкин.

АҚШ сугурта бозори, аксарият кўрсаткичлар бўйича дунё миқёсида етакчи мавқега эга. Swiss Re Institute халқаро тадқиқот марказининг маълумотларига кўра, 2019 йил якунлари бўйича АҚШ сугурта компаниялари томонидан жами 2460,1 млрд. АҚШ доллари миқдорида сугурта мукофотлари келиб тушган [7]. Мазкур йилда глобал сугурта бозори бўйича тўплланган сугурта мукофотларининг миқдори 6692,6 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб, бунда АҚШнинг хиссаси 39,1 фоизни ташкил этилганлигини кўриш мумкин.

АҚШда иккى турдаги сугурта компаниялари фаолият кўрсатади: акциядорлик жамиятлари ва ўзаро сугурталаш жамиятлари. Давлат сугурта ташкилотлари мавжуд эмас. Андеррайтерлар ва сугурта брокерлари фаолияти кенг ривожланган. Барча сугурта компаниялари бўйича ташкил килинган маълумотлар электрон банки мавжуд бўлиб, ушбу электрон банкнинг мавжудлиги рисклар бўйича, сугурта мукофотлари киймати бўйича ва бошка маълумотларни умумлаштириш имконини беради [8].

Маккарар-Фергюсон акти, АҚШ Фукаролик кодексининг “Тижорат ва савдо”, “Сугуртани тартибга солиш”, “Сугурта” бўйламида белгиланган тартиб-коидаларга кўра Штатларга мустақил равишда кўйидаги назорат воситаларини кўллаш хукуки берилган:

- 1) сугурта компаниялари ва брокерлари фаолиятини лицензиялаш бўйича талабларни белгилаш;
- 2) устав капиталининг минимал миқдори ва тўловга қобиллик юрсаткичларининг минимал даражаларини белгилаш;
- 3) сугурта заҳираларини шакллантириши ва уларни инвестиция йўналтириш коидаларини белгилаш;
- 4) сугурта ташкилотлари молиявий фаолиятини тафтишдан ўтказиш;
- 5) сугурта маҳсулотлари шартлари ва сугурта полислари шаклларини тартибга солиш;
- 6) сугурталовчиларни соликка тортиш шартларини белилаш;
- 7) сугурталовчилар фойдасини таксимлаш тартибларини назорат килиши.

Юқорида келтирилган маълумотлардан хулоса килган ҳолда таъкидлаш мумкин, АҚШда сугурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат килиш масаласига давлат томонидан жиддий эътибор қаратилади ва бунда ушбу масалалар асосан штатлар даражасидага амалга оширилсада, федерал даражада назоратга олинган ёки мувофиқлаштириб бориладиган жиҳатлар ҳам анчагина. Хулоса килиш мумкинки, АҚШда сугурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат килиш самарадорлигини таъминлашда ушбу соҳанинг бирор йўналишини назорат килишинг қайси даражасидан (штатлар даражасида ёки федерал даражада) фойдаланган ҳолда амалга ошириш кўпроқ самара берадиган бўлса ушбу усуздан фойдаланишга эътибор қаратилган ва кутилган натижага эришилганлигини ушбу бозорнинг дунё миқёсидаги ўрни юқорилигидан ҳам кўриш мумкин. Иккала даражада ҳам давлат назорати хисобланади. Демак, давлат назоратини самарали йўлга кўйиш ҳамда турли имтиёз ва имкониятлар яратиб берни орқали бутунги кунда АҚШда сугурта фаолияти нафакат юкори даражада ривожланган миллий бозор сифатида, балки энг йирик ҳалкаро бозор даражасига эришиди. Бундан хулоса килиш мумкин, сугурта фаолияти ўз-ўзича ривожланниб кета олмайди, унинг ривожланишида давлатнинг ўрни муҳим хисобланади.

Ўзбекистон миллий сугурта бозорини тартибга солиш, уни мувофиқлаштириб бориши ва назорат килиб бориши, шу билан бирга турли имтиёз ва шарт-шароитлар яратиш масаласида давлатнинг иштиrokeri ва ушбу давлат инширокининг самарадорлиги талаб даражасидами деган саволга бაъзи ҳолатлардан келиб чиқиб хулоса килиш мумкин. Масалан, мустақилларининг или даврларида сугурта компаниялари томонидан ишлаб чиқилган янги сугурта маҳсулоти ва унга кўлланилиши кўзда тутилган тариф ставкалари сугурta назорати давлат инспекцияси томонидан кўриб чиқилиб рухсат этилгандан кейин амалиётда кўлланган. Бугунги кунда ушбу масаланинг давлат назорати талаб даражасида эмаслиги демпинг нархларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг сугурта хизматларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиётганини сўнгти йиллар ичида ушбу соҳани ривожлантиришга қаратилган бир нечта карорлар ва йўл хариталарининг кабул килинганинига кўриш мумкин. Аммо ушбу йўл хариталарида кўзда тутилган масалалар белгиланган муддатда бажарилмасдан колиб кетаётганини ушбу карорларнинг самарасиз бўлиб колишига олиб келмокда. Масалан, 2019 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг сугурта бозорини ислоҳ килиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 4412-сонли Президент карорининг йўл харитаси 48 та бўйламдан иборат бўлиб, ушбу бўйламларнинг кўпчилигига бирор бир конун ёки меъёрий хужжатларни ишлаб чиқиш белгиланган эди. Аммо уларнинг аксарият кисми ишлаб чиқилмасдан колиб кетди. Ваҳоланки, ҳозирда ҳам амал киляётган кўпгина меъёрий хужжатлар мустақилларининг дастлабки йилларида ишлаб чиқилган бўлиб, улар бутунги кун талабларига жавоб бермайди.

Умуман, Ўзбекистонда давлатнинг сугурта соҳасини ривожлантиришга қаратилган фаолияти кенг кўламли бўлиши ва ушбу соҳага давлат аралашувининг самарадорлиги юкори бўлишини таъминлаш учун кўйидагиларни амалга ошириш зарур деб хисоблаймиз:

- сугурта химоясини таъминлашда сугурталанувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини сугурталовчи манфаатларидан устун кўйиш ва ушбу манфаатларни ўзида мушассамлаштирган механизмни ишлаб чиқиш;

- миллий сугурта бозорида соглом рақобатнинг шаклланишига тўсиқ бўлаётган соҳта сугурталовчилар фаолиятига чек кўювчи хукукий месъёрларни ишлаб чиқиши ва амалиётга жорий этиш;

- дунё мамлакатларида самарали амал қилиб келаётган сугуртанинг илк шакли – ўзаро сугуртанинг қонуний асосларини такомиллаштириши ва бошқа шарт-шароитлар яратиш орқали унинг мамлакатда оммавийлашувини таъминлаш;

- сўнгти йилларда янада орқада қолаётган қишлоқ хўжалиги сугуртасини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги корхоналарини сугурта хизматлари билан тўликрок камраб олиш мақсадида қишлоқ хўжалик сугуртаси тўғрисида алоҳида конун кабул килини ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг асосий экини хисобланган пахта ва галла ҳамда бошқа экинларнинг хосил сугуртаси учун тўлайдиган сугурта мукофотларининг бир қисмими давлат маблаглари хисобидан тўлаб бериши йўлга кўйиш орқали хўжаликларни сугуртага жалб килишга эришиш, сугурта ходисалари бўйича мурожаатларни кўриб чиқишини тезлаштириш ҳамда уларни объектив ҳал этиши мақсадида индекс сугурталашни амалиётта кенг жорий этиш;

- ижтимоий аҳамияти юкори бўлган сугурта турларини (ахоли ва корхоналар биноларини ёнгидан сугурталаш) мажбурий сугурта сифатида амалга киритиши.

Бугунги кунда Ўзбекистон миллий сугурта бозорида сугурта компаниялари томонидан тузилаётган сугурта шартномаларининг асосий қисми банк рисклари билан боғлиқ сугурта шартномалари бўлиб, улар тижорат банкларининг ўз мижозларига кўйган сугурталаш талаблари натижасида амалга оширилмокда. Бу каби сугурта шартномалари “ихтиёрий-мажбурий” сугурта шартномалари бўлиб, бу шартномаларда сугурталанувчининг талаб ва эҳтиёжлари эътиборга олинмайди.

Потенциал сугурталанувчиларининг талаб ва эҳтиёжлари амалда мавжуд бўлган турли рисклар етарли даражада мавжуд бўлиб, ушбу талаб ва эҳтиёжларни тўлиқ кўзда тутувчи сугурта маҳсулотларини ишлаб чиқиши ва уларга оптимал тариф ставкаларини кўллаш, уларда кўзда тутилган сугурта ходисалари юз берганда ўз вақтида тўлаб берилишини таъминлаш борасидаги давлат назоратини йўлга кўйиш ваколатли давлат органинг асосий мақсадларидан бирига айланishi зарур. Бунинг учун сугурта компаниялари томонидан ишлаб чиқлаётган сугурта маҳсулотлари ва уларда кўлланилаётган тариф ставкаларини ваколатли давлат органи томонидан кўриб чиқилиб, сугурталанувчи манфаатлари тўлиқ эътиборга олингандиги ҳамда актуар хисобларга асосланган тариф ставкалари кўлланилганлиги аниқланган ҳолатдагина уни амалда кўллашга руҳсат бериш тизимини йўлга кўйиш муаммони ҳал этишининг йўлларидан бири хисобланади.

Сугурта бозорини ривожлантиришга эришишнинг асосий омилларидан бири, потенциал сугурталанувчиларда сугурта компанияларига бўлган ишончни таъминлашдир. Сугурталанувчи ўзида мавжуд хавфни муайян тўлов (сугурта мукофоти) эвазига сугурталовчига топширар экан, ушбу хавф юзага келганда хосил бўлган зарарни сугурталовчи коплаб беришига тўлиқ ишонч хосил килиши керак. Ушбу ишонч системолоқ килинганда эса уни химоя килдиган ташкилот борлигини ва қаерга мурожаат килиши кетаклигини билиши керак. Сугурта бозорини ривожлантириш агентлигининг IMDA.UZ сайти маълумотларига кўра, 2022 йилда амалдаги сугурта шартномалари сони 7 807 146 тани, янги тузилган сугурта шартномалари сони 7 010 763 тани ташкил этган. Аммо ушбу сайтда кондиримларидан сугурта дайвонари бўйича килинган мурожаатлар сони тўғрисида маълумот келтирilmagan. Аслида бундай мурожаатлар сони жуда кам. Мурожаатларнинг камлиги кондиримларидан дайвонарнинг камлигидан эмас, балки бу бўйича сугурталанувчиларни қаерга мурожаат килишини билмаслигидандир. Шунинг учун сугурталанувчилар бундай ҳолатда қаерга мурожаат килиши тўғрисида оммавий аҳборот воситаларида эълон бериб борилиши ва кўшимча равишда ишонч телефонининг ташкил этилиши муаммони ҳал этиши йўлларидан бири хисобланади.

### Хуласа

Сугурта фаолиятини давлат томонидан назорат килингандан зарурлиги, бу борадаги илгор чет мамлакат тажрибаси ва Ўзбекистондаги мавжуд ҳолат тўғрисидаги таҳлиллардан келиб чиқкан ҳолда хулоса килиш мумкинки, сугурта соҳаси ўзига хос соҳа бўлиб, сугурта компанияси кўп сондаги сугурталанувчиларнинг юз бериши мумкин бўлган катта ҳажмдаги молиявий зарарларини ўз вақтида коплай олиш имконияти устидан назорат олиб бориши зарур хисобланади. Ушбу талабнинг бажарилиши ўз ўрнида сугурталанувчиларда сугурта соҳасига бўлган ишончни ҳамда сугурта компанияларининг молиявий барқарорлигини таъминлайди.

**Reference:**

1. Колесников Ю.А. Административно-правовое регулирование страховой деятельности. Автореф. дис... докт. юрид. наук. М., 2007 // Официальный сайт ВАК России.
2. Кононенко О.В. Административно-правовое регулирование страхового надзора в Российской Федерации: Автореф. дис... канд. юрид. наук. Тюмень, 2010
3. Бахрах Д.Н. Россинский Б.В., Старилов Ю.Н. Административное право: Учебник. 3-е изд., пересмотр. и доп. М., 2007.
4. Robert W.Klein. Principles for Insurance Regulation: An Evaluation of Current Practices and Potential Reforms. The Geneva Papers on Risk and Insurance – Issues and Practice volume 37, pages 175-199 (2012). <https://Linc.springer.com/article/10.1057/gpp.2011.9>.
5. Кўлдошев Қ. “Сугурта бозорини ривожлантириш ва бошқариш муаммолари” мавзусидаги иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олинг учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент-2009 й.
6. Абдурахмонов И. Сугурта бозорини тартиба солиш ва пруденциал назоратнинг самарали механизmlарини жорий этиш//”Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. №2, апрель, 2020 й.
7. World insurance: riding out the 2020 pandemic storm. Swiss Re Sigma №4/2020. [https://www.swissre.com/dam/jcr:05ba8605-48d3-40b6-bb79-b891cbd11c36/sigma4\\_2020\\_en.pdf](https://www.swissre.com/dam/jcr:05ba8605-48d3-40b6-bb79-b891cbd11c36/sigma4_2020_en.pdf).
8. Ахвледиани Ю.Т. Страхование. Уч. Пособие, М.: ЮНИТИ – 2006 й.